

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Jild 3, Son 10

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 10 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-туманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиги.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Фарманова Гулнара Комилевна

МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА 9-18

Саидбобоева Гулзора Нематжоновна

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР БОШИ) 19-26

Ахмедов Шахзод Фарход ўғли

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ 27-34

Mirsoatova Sayyora Turg'unovna

MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR 35-39

Янгибоева Дилноза Ўқтамовна

МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАҲДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ 40-48

Maҳмудов Эркинжон Асқаралиевич
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРГОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ 49-53

Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich

O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI 54-58

Ergasheva Bahridil G'olibjonovna

IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSILOGIK TAHLIL) 59-65

Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР 66-74

Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi

XORIJUY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) 75-80

Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна

БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ

ТАРИХИГА БИР НАЗАР 81-86

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Boltayev Nurali Shiramatovich

AGRAR OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI 87-93

<i>Дустова Мухайё Худайбердиевна</i>	
РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ	94-102
<i>Ravshanov Malik Naimovich</i>	
МETHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX.....	103-108
<i>Xushmuradov Oman Namozovich</i>	
TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI	109-115
<i>Raximjonov Kamronbek Ilxomjon o'g'li</i>	
DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH	116-121
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Наврӯзова Гулчехра Нигматовна</i>	
АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ	122-128
<i>Talapov Baxriddin Aljanovich</i>	
KONSTITUTSIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA	129-134
<i>Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich</i>	
JAMIyat HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI	135-140
<i>Солиев Икромжон Комилжонович</i>	
РАҶАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН	141-147
<i>To'xtayev Xakim Primovich</i>	
TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON BO'LISH XUSUSIYATLARI	148-153
<i>Уразалиева Гулшада</i>	
СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ	154-160
<i>Гуламова Мавжуда Ташиулатовна</i>	
ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ	161-167
<i>Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li</i>	
GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOIY-DUNYOVII DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL)	168-172
<i>Quvonov Sardor Zokirovich</i>	
МА'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI	173-178
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	

Халметова Мехрибону Гайратжоновна
**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ
ЯЗЫКАХ** 179-186

Abdijabbor Amanov
**MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS
XUSUSIYATLARI** 187-193

Umarova Xurshida Zikiryoxonovna
AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI 194-201

Odinayev Bekqul Imamqulovich
LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN 202-210

Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev
**"DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR" DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR
QIYOSI** 211-217

Saidov Akmal Azimovich
**"TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA
MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH** 218-224

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li
**SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA
AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI** 225-231

Жўраев Дилмурот Мухторович
**МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН
НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР** 232-240

Эшонхонов Камолхон Маматхонович
**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР** 241-246

Бўриев Одил Қобилович
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ
МЕЗОНИДИР** 247-253

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li
**"ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING
MAVJUD HOLATI** 254-259

Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола
**ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ
КОММУНИКАЦИИ** 260-265

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i>	
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i>	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i>	
ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i>	
KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH	299-303
<i>Robiya Mannopova</i>	
INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i>	
REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i>	
TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i>	
IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI	323-328

**Гуламова Мавжуда Ташпулатовна,
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт
институти, Тиббий кимё кафедраси доценти
gulamovamavjuda@mail.ru**

ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада Кумушхонавий васиятларининг ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашдаги ўрни тадқиқ қилинган. Мутасавифининг “Васиятнома”лари “Мажмуатул-аҳзоб”, “Катта дуо ва зикр” асарлари асосида таҳлил қилинган. Тасаввуф таълимотининг ўзига хос хусусиятлари ижтимоий ахлоқ мезонлари билан боғлиқликда очиб берилган. Мутафаккирнинг “Жомиъ ул-мутун” асаридаги ахлоқий мезонларга оид фикрларидан мисоллар келтирилган ҳолда, изоҳлаб берилган. “Нафсингни ўликлардан ҳисобла”, “Қабр азобидан қутулмоқ истасанг, ифлосликлардан ва ҳаром ризқ ейишдан сақлан”, “Инсонларнинг энг бойи бўлмоқчи бўлсанг, қаноат аҳли бўл” каби васиятларининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Нақшбандия, Кумушхонавия, васият, нафс, ризқ, ҳалол, ҳаром, рибо, судхўр.

**Gulamova Mavjudha Tashpulatovna,
Associate Professor of the Department of Medical Chemistry,
Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sina**

THE ROLE OF THE COVENANTS OF KUMUSHKHANAVI IN THE STUDY OF THE CRITERIA OF SOCIAL MORALITY

Abstract. The article examines the role of Kumushkhanavi's will in raising the younger generation with high spirituality. The "testament" of Kumushkhanavi was analyzed on the basis of the works "Majmuatul-ahzab", "Katta dua wa dhikr". The specifics of Sufism are revealed in connection with the criteria of social ethics. Examples of the thinker's reflections on moral criteria in "Jamiul-mutun" are explained. The meaning of such covenants as "Count your soul (nafs) from the dead", "If you want to be saved from the torment of the grave, avoid uncleanness and eating unclean food", "If you want to be the richest of people, be a man of contentment" is given. ... and deeds of benefit" so that a person becomes perfect.

Keywords. Naqshbandiya, Kumushkhanaviya, will, lust, provision, halal, haram, riba, usury.

**Гуламова Мавжуда Ташпулатовна,
Доцент кафедры медицинской химии
Бухарского государственного медицинского
института имени Абу Али ибн Сины**

РОЛЬ ЗАВЕТОВ КУМУШХАНАВИ В ИЗУЧЕНИИ КРИТЕРИЙ СОЦИАЛЬНОЙ НРАВСТВЕННОСТИ

Аннотация. В статье рассматривается роль завещания Кумушханави в воспитании молодого поколения с высокой духовностью. «Завещание» Кумушханави анализировалось на основе произведений

«Маджмуатуль-ахзаб», «Катта дуа ва зикр». Специфика суфизма раскрывается в связи с критериями социальной этики. Объясняются примеры размышлений мыслителя о моральных критериях в «Джамиул-мутун». Приводится значение таких заветов, как «Считай свою душу(нафс) с мертвых», «Хочешь спастись от мучений могилы, избегай нечистоты и употребления нечистой пищи», «Хочешь быть самым богатым из людей, будь человеком довольства». ... и дела выгоды» для того, чтобы человек стал совершенным.

Ключевые слова. Накшбандия, Кумушханавия, воля, похоть, обеспечение, халяль, харам, риба, ростовщичество.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N23>

Кириш. “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, ҳалқимизни улуғ мақсадлар сари рухлантироқда”, — дея хулоса қилди Президентимиз Шавкат Мирзиёев [6].

Демак, асосий мақсадимиз бир-бирига меҳр-оқибатли, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялашдир.

Бундай одоб-ахлоқли, иймон-эътиқодли, меҳнатсевар, билимдон, довюрак, шижаатли, вафодор фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ёшларни тарбиялашда буюк алломаларни “Васият” қилган панд-насиҳатларининг ўрни беқиёсдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг “Месмуатуъл Аҳзаб Буюк дуо Китоби” Аҳмад Фаик Арслантуркӯғли томонидан таржима қилиниб, Истанбул Тунчел Офсет/Топкари нашриётида чоп этиб чиқарган. Китоб 28 бўлимдан иборат, 28 бўлим 556 бетда Кумушхонавийнинг “Васиятномаси” келтирилган [1:556]

Кумушхонавийнинг бебаҳо ана шу қимматли китоби “Катта дуолар ва зикр” ўзбек тилида бир гуруҳ таржимон олимларимиз, жумладан Абдумурод Тилавов, Сумайро Холмуродова ва Мубина Холмуродовалар томонидан таржима қилиниб, нашрга тайёрлаб, 2014 йил Тошкент шаҳар “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти босмахонасида чоп этилган. Бу китобда Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг “Мажмуатул –аҳзоб” номли икки минг саҳифалик дуо китобидан энг зарурий дуолар саралаб олинган[15:2].

Кумушхонавийнинг “Катта дуолар ва зикр” китобида келтирилган “Васиятномаси” чуқур фалсафий таҳлил қилиб ўрганилмаган.

Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, диалектик, синергетик, герменевтик каби усуулларига таянилди.

Муҳокама ва натижалар. Нақшбандия таълимотини дунё бўйлаб тарқалишига сабабчи бўлган, замондошлари томонидан “Раббоний олим, зоҳирий ва ботиний илмлар билан ораста, фахрул машойих, хотиматул муҳаддисин, орифи комил, шайхи комил”[13:29] деб таъриф берган, пири муршид Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий (1813-1897) васиятлари ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда аҳамияти катта [12].

Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг шахсий кутубхоналарида 18 жилд асар бўлган. Бу асарларнинг қўлёзма ва бошқа нусхалари Туркия, Миср, Европадаги катта кутубхоналар фондларида, шу қатори Республикамиз Фанлар академияси хузуридаги

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида ҳам сақлаган. Кумушхонавий илмий фаолияти давомида ҳадис ва фиқҳга оид 30 та, ахлоқ ва тасаввуғга оид 15 та, тафсирга оид 8 та китоб ва бошқа турли асарлар ёзган [9:45].

Кумушхонавийнинг “Васиятномаси” “Мажмуатул-аҳзоб” - “Катта дуо ва зикр” китобининг йигирма саккизинчи бўлимида келтирилган”.

“Васият” луғатда етказиш маъносини англатади. Чунки, у ила васият қилгувчи бу дунёдаги яхшилигини охиратига ҳам етказади. “Васият” шариат бўйича, ўлимидан кейин қўшимча ҳақ сифатида ихтиёрий садақа таъйин қилишдир [4]. Исломнинг аввалида ота-она ва яқин қириndoшлар фойдасига васият қилиш вожиб бўлган. Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) умматларига васият қилганлар. Устоз шогирдларига, ота-она фарзандларига панд-насиҳат қилиб васиянома ёзганлар.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний қуддиса сирруҳу (қ.с.) маънавий фарзандлари “Хожа Авлиёи Кабир”га васиятнома ёзиб қолдирганлар [2].

Абул Қосим ал-Күшайрий ўзининг рисоласини шогирдларига васият қилиш билан якунлаган [10]. Ҳақиқатан ҳам шогирдларнинг камолотга этиши учун васиятлар мухим касб этади.

Ана шундай васиятномалардан бир Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг васиятномаларини кўриб чиқамиз.

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий шогирдлари, тасаввуғ аҳли ва ёш авлод учун ёзиб қолдирган васиятномадаги айrim панд-насиҳатлардан келтирамиз [15:537]

Нафсингни ўликлардан ҳисобла. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “**Нафс** (арабча нафс-қалб, кўнгил; инсон; мақсад, интилиш; ғуур, мағрурлик) - ейиш-ичишига, мол-дунёга бўлган эҳтирос. Ҳалқ мақолида “Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга соладир”, деб ҳам айтилган. Нафсга қуидагича изоҳлар ҳам берилган: Нафс бандаси нафсидан бошқани ўйламайдиган. ...Нафси бузуқ (ёки ёмон) овқатдан сира қайтмайдиган, нафсини тия олмайдиган; ҳирсли. “Нафси бузуқ ҳайитда ўлар”, деган ҳалқ мақоли бор. Нафси ўлик (ёки тийик) бу нафсини тия оладиган, ҳар нарсага суқ билан қарайвермайдиганлардир. Нафсига ўт тушмоқ - нафси ҳаддан ташқари авж олган; нафси ҳакалак отганлар. Нафсини тиймоқ. Нафсига эрк бермаслик, ўзини сақламоқ. Кўзинг оғриса, қўлингни тий, ичинг оғриса, нафсингни тий” (Ҳалқ мақоли) [20:26].

Қуръони карим “Юсуф” сураси 53 оят: “Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка кўп ундовчидир. Албатта Роббим мағфиратли ва билгувчидир” [17].

Имом Муслим ва Насайй ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) “Аллоҳим! Нафсимга тақвосини бергин ва уни поклагин! Сен унинг валийси ва хожасисан!” деганлар [22:191].

Ибнул Қайюм ал-Жавзий раҳимаҳуллоҳ айтган: “Нафсингдан эҳтиёт бўл. Чунки сенга не бало етаётган бўлса, мана шу нафсингдандир. Нафсинг билан ҳеч қачон келиша кўрмагин. Аллоҳга қасамки, ҳеч ким нафсини хор қилмагунча, иззатли ҳам бўла олмайди. Ҳеч ким нафсини синдиримагунча, тўғирланмайди ҳам. Ҳеч ким нафсини чарчатмагунча, роҳатлана олмайди. Ҳеч ким нафсини хафа қилмагунича, хурсанд ҳам бўла олмайди” [19].

Нақшбандия-холидия-кумушхонавия тариқати давомчиси “Силсилаи шариф” “олтин занжир”да 39-ҳалқанинг пири муршиди Мұҳаммад Зоҳид Қутқунинг “Нафс

нимадир” китобида: “Сен нафсингни ғафлатда қолдиришдан сақлансанг, бундан қуий бўлмасанг, Аллоҳ таолонинг изни билан буюкларнинг қаторига кирасан” деб ёзган [18:275].

Баҳоуддин Нақшбанднинг ибратли калималаридан бирида шундай ёзилган: “Киши ўз нафсига туҳмат қилиши керак. Кимки Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади” [11].

Нафсни ўликларнинг нафсидан бўлиши учун кечиримли бўлиш, шайтон васвасасидан эҳтиёт бўлиш, жамият ичида бадаҳлоқлик бўлишига йўл қўймаслик, тилни ёмон сўзлардан, одамларга озор беришдан тийиш керак. Аллоҳим барча бандаларига тирикнинг қалбини, ўликни нафсини берсин.

Қабр азобидан қутулмоқ истасанг, ифлосликлардан ва ҳаром ризқ ейишдан сақлан [15:537]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар розияллоҳу анхудан келган хабарлар асосида қабр азобига – ким шунга лойиқ бўлса – ва унда Мункар ва Накирнинг Роббидан, динидан ва Набийсидан сўроқ қилишига иймон келтирамиз. Қабр жаннат боғларидан бир боғдир ёки дўзах чуқурларидан бир чуқурдир [16].

Аллоҳ таоло Ўз маҳлуқотларига берган нарсалар ақл, илм, емишлиқ, ичимлик, кийим, маскан уларнинг барчаси ризқидир. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг уларни яхшиликка муваффақ қилиши, тоатларга йўллаб қўйиши ҳам ризқидир.

Ризқ иккига бўлинадти: Ҳалол ризқ ва ҳаром ризқ.

Аллоҳ Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 172-оятига шундай далил келтиради: “Эй, иймон келтирганлар! Сизларга ризқ қилиб берганимиз пок нарсалардан енглар ва Аллоҳга шукр қилинглар, агар Унга ибодат қиласиган бўлсаларингиз” [18]. Аллоҳ тақводор бандаларининг мушкулини осон қилиб, ўзи ўйламаган томондан ризқу рўз етказиб беради. Айримлар кишилар ризқу рўзим сероб бўлсин, деб тақводан воз кечиб ризқ теришга ҳаракат қиласи. Нонинг битта бўлса, битта топасан, яримта бўлса яримта топасан, чунки Аллоҳ ризқни фаришталари билан ўзи тақсимлайди.

Нақшбандия-холидия-кумушхонавия таълимоти, Кубравия. Қодиря, Яссавия ва бошқа тариқатлардан фарқли “Дил ба ёр, даст ба кор”(Қалбинг Аллога, қўлинг меҳнатга) шиорига амал қилиб, энг аввало, таркидунёчиликдан воз кечиб, одамларни ҳалол меҳнатга чорлагани билан тубдан фарқ қиласи. Бошқача бу таълимот бирорлар ҳисобига яшашни рад этади. Ҳар бир одам ўзи меҳнат қилиб топган неъматларни ҳалол деб ҳисоблайди. Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрига кўра, “инсон файзининг ибтидоси – ҳалол луқмада”, яъни инсон маънавий қиёфасидаги ҳалоллик инсоний фазилатларнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун инсон маънавий етук бўлмоғи учун ҳалол меҳнат қилмоғи лозим. Ҳалол меҳнат маънавий-ахлоқий етукликтининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Турли мashaқатлар эвазига яратилган ҳалол бойлик (луқма) ҳар қандай тубанлиқдан (худбинлик, хасислик, ғаразгўйлик, такаббурлик, макр, риё, димоғдорлик) қутқаради. Меҳнатсиз орттирилган бойлик инсон қалбини шубҳа ва таҳликага тўлдиради. Шунингдек, бирорнинг соясида, бошқаларнинг обрў-эътибори ҳисобига яшашни қаттиқ қоралайди [21].

Кумушхонавийнинг шогирдлари ва дўстларига қуийдагиларни васият қилган: “Ҳалол таом ва ичимликларни тинчлик, алоқа ва суннатга мувофиқ истеъмол қилишга

эътибор бериши керак". "Ҳаромдан қочган, нафсини шаҳватдан сақлаган, ич-ичини сезги билан камолга етказган, ҳалол таомларни истеъмол қилган киши узоқни кўришда адашмайди. Ҳолбуки, эҳтиёткорлик руҳнинг танадаги хукмронлиги билан эмас, балки Аллоҳ таолонинг нури билан нигоҳнинг сезгирилигини қозонган хислатдир" [7].

Кумушхонавий "Жомиъ ул-мутун" асарнинг учинчи бўлимини иккинчи қисмига "Баъзи муҳим қоидалар": шубҳа борасида фойдали маслаҳатлар Ҳодисларни энг яқин вақтига қараб баҳоламоқ-асл-асосдир. Каломда асл-асос ҳақиқатдир, қийинчилик осонликни жалб этад. Қийинчилик ва сақланиш мушкул бўлган хусуслар. "Муҳим масалалар" зарар бартараф қилинади, икки муфсид (ибодатни бузувчи нарса) тўқнаш келганда енгилроғи танланади, мафсадотни (бузғунчиликни, фосид ишларни) тарк этмоқ маслаҳатни (тўғриликни) жалб этмоқдан авдодир, ҳалол ва ҳаром бириккан пайтда ҳаром ғолиб келади, мақсадлари бир хил бўлган икки нарса бир орага келганида бир-бирига қўшилади каби мавзулар келтирилган.

Асарнинг учинчи бўлимини учинчи қисмга "Улқан аҳамияти ва фойдаси бўлган масалалар" келтирилган.

Олиш ҳаром бўлган нарсани бериш ҳам ҳаром.

Рибо (судхўрлик), золимнинг муҳри (тамғаси), коҳин қўллайдиган нарсалар, пора, ўлик учун йиғловчининг хизмат ҳақи: Бу нарсаларнинг ҳаммасини олиш ҳам, бериш ҳам ҳаром. Фақат молидан ва жонидан қўрққан пайтда ёки давлат бошлиғи ёхуд амирнинг олдида (зарур бўлганда) динини, ор-номусини, жонини, молини сақлаш учун берган зарурий пораси (ришвати) мустаснодир. Ҳоким кишининг пора бериши ҳам, олиши ҳам ҳаром. Бир васий ўзи сақлашга-қўриқлашга мукаллаф бўлган молга бирор ғасб (босқин) хавфи туғилса, ўша хатарни бартараф этиш учун бирор нарса бериши мумкин [14:267].

Ризқ Аллоҳ таолодан эканлигига иймон келтирганлар билади улар очкўз бўлмайди, ҳаромга қўл урмайди. Улар ҳалол йўл билан ризқини териб ейишни йўлга қўйиб, қаноатли ва сабрли бўлади.

Гуноҳдан тўхташ, надомат қилиш, гуноҳга асло қайтмаслик, ҳақларни эгаларига қайтариш, Умрининг охиригача бошқаларни ҳам гуноҳдан қайтариш.

Инсонларнинг энг бойи бўлмоқчи бўлсанг, қаноат аҳли бўл [15:537].

Ҳар бир инсоннинг бу дунёда яшashi ўзига маъқул бўлса, у тинч-сокин яшайди. Агар бандага энг катта бойлик қаноат бўлса-чи, у ғам-ташвиш чекмай яшайди. Жобир ибни Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Қаноат йўқ бўлмайдиган бойлиқдир", – деганлар [21]. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Тақводор бўл! Одамларнинг обиди бўласан, қаноатли бўл! Одамларнинг шукрлиси бўласан, ўзинг яхши кўрган нарсангни одамларга ҳам яхши қўр! Мўмин бўласан, қўшнингга яхшилик қил! Мусулмон бўласан, кулгуни озайтири! Албатта, кулгунинг кўпи қалбни ўлдиради", – деганлар.

Улуғларимиздан Бишр Хофий айтади: "Қаноат – мулқдир, у фақат мўминнинг қалбida жойлашган" [3]. Одам чин мўмин бўлса, яъне қалби хотиржам бўлсагина, қаноат қилиб яшайди.

Рисалатул Қушайрия китобида: Муҳаммад ибн Али Термизий айтадиларки: "Қаноат – нафснинг тақсим қилинган ризққа рози бўлишидир". Аллоҳнинг берган ризқига рози бўлиб, яшаш инсонни руҳан, жисман ва иқтисод жиҳатидан бой қиласди.

Холид Бағдодий шогирдларига айтган ҳикматларидан бирига: “Дунё ишларига қаноат қилмоқ, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини ёдда тутмоқ лозим: “Токи умринг бор экан, дунёинг ва охиратинг учун Аллоҳ розилиги учун меҳнат қил””[8]. Ҳалол меҳнат қилиб Аллоҳнинг берган ризқига рози бўлиб, яшаш инсонни руҳан, жисман ва иқтисод жиҳатидан бой қиласди.

Диний нуқтаи назардан олиб қарасак, Аллоҳ таоло инсониятни яратгач, уларни ер юзида ҳалол ризқ талаб қилишга амр этиб, унинг акси бўлмиш ҳаромдан ҳазар қилишга буюради. Демак, ҳар бир инсон ҳалол ризқ талаб қилиши билан бирга, бироннинг ҳаққидан ҳазар қилиши ва ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштирмаслиги ўта муҳимдир.

Бу ўринда, бироннинг ҳаққини ноҳақ ейиш ҳамда пора берувчи ва пора оловчи ҳам оғир гуноҳкор бўлишлиги Аҳмад Зиёуддин ал- Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” асарида ҳам айтиб ўтилган. Демак, коррупцияга қарши курашишда инсоннинг диний-маърифий билимларга эга бўлиши ҳам жуда муҳимдир.

Хулоса. Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш, биринчи навбатда, оиласдаги муҳит ва таълим-тарбиядан бошланади. Жамиятда нима ҳалолу нима ҳаром эканлиги фарзандларимизга ота-оналар ва устозлар ўғити билан сингдирилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда фарзандларимизга болалигидан покни нопокдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга ўргатишни назарда тутиб, ёш авлод тарбияси ҳақида гапириб, Абдурауф Фитратнинг қуидидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишлари лозимлигини таъкидлаган эди: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, баҳтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, баҳтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болалиқда олган тарбияларига боғлиқ”. Демак, тарбия – шахснинг маънавий ва ақлий қиёфасини, ҳаттоқи бутун тақдирини белгиловчи омилдир. Кумушхонавийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ёш авлоднинг ўзликни англаш, одамийлик, ҳалол ва пок бўлиш, нафсни тийиш, сабр-бардошли ва етук инсон бўлиб етишиш каби фазилатларни касб қилишида, юксак маънавият ва маънавий мерос енгилмас куч эканлигини чуқур англаб етишида муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ahmed Ziyauddin Kumushkhanavi. "Mesmuatül Ahzab Büyük DuaKitabı" tercüme Ahmed Faik Arslantürkoğlu. İstanbul Tuncel Ofset/Topkari 556 sayfalık.
2. <https://ahlisunna.uz/xojai-jahon-vasiyatnomasi/>
3. <https://fitrat.uz/anoat-ulkan-bojlik/>
4. <https://islom.uz/maqola/1012>.
5. <https://islom.uz/maqola/1286>
6. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/17/renaissance/>
7. <https://www.гумушане.бел.тр/гумушане-реҳбери/аҳмед-зияуддини-гумушаневи-хз/>
8. Hülya Yılmaz. Dünden bugüne. Gümüşhânevî mektebi// Istanbul: Sena, 1997. saifa. 42

9. Rukiyl AY. Doğu Demir. Ahmed Z1yâedd1n Gümüşhânevî. 2. Baskl, Ankara Temmuz 2019 pP 45-62
10. Абул Қосим Қушайрий: муридларга васият. И.Бабаназаров “Имом Фахриддин ар-Розий” ўрта маҳсус ислом билим юрти ўқув ишлари бўйича мудир ўринбосари. <https://zamaxshariy.uz>.
11. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд// Тошкент: “O’zbekiston”, 2019.-Б.116
12. Гуламова М.Т. Концепция разума Кумушхонави в работе Джомиуль-Мутун //Universum: Общественные науки: электрон. научн. журн. – 2020. № 5(65). – С.8-10 URL: <http://7universum.com/ru/social/archive/item/9500>
13. Гуламова М.Т. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий // Имом Бухорий сабоқлари журнали. – 2020. – № 2. – Б.28-29.
14. Зиёуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий. Жомеъ ул-мутун//таржимон Мирзо Кенжабек, Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. –Б.312
15. Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий. Катта дуо ва зикр // Тошкент Шарқ, 2014.-Б.592
16. Қабр азобидан паноҳ тилайлик! - Islom.uz <https://islom.uz> › maqola
17. Куръони Азим мухтасар тафсири. Бақара 172 оят. Шайх Алоуддин Мансур. Тошкент: Шарқ, 2019. –Б. 992
18. Муҳаммад Зоҳид Қутқу “Нафс нимадир”//таржимон Зебуннисо Ҳусайн қизи. Тошкент, “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2021. -Б.275
19. Нафси аммора-хавфли душман. Fitrat.uz.<http://fitrat.uz> gafsi -ammora.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.2007 йил. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-жилд. –Б.26.
21. Хожагон-нақшбандия тариқати намояндадарининг ижтимоий-ахлоқий ғоялари. - bukhari uz. <https://www.bukhari.uz>.
22. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Рұҳий тарбия”.
23. Тикланиш. 1-жуз// Тошкент; “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2007. -Б.191.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 10 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).